O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 22 февраль, № 38 (4191) Пайшанба

Йил сарҳисоби:

ТАҲЛИЛ, САБОҚ ВА ЕЧИМЛАР

Босиб ўтилган йўлимизга баҳо берар эканмиз, ҳар бир вилоят, туман, меҳнат жамоасида 2006 йил мобайнида нималарга эришганимиз, нималарни бой берганимиз танқидий таҳлилдан ўтказилмоғи керак.

Шу кунларда минтақаларда Президентимизнинг 2007 йил 12 февралдаги маърузасида кун тартибига қўйилган талаблар нуқтаи-назаридан жойларда амалга оширилган ишлар муҳокама қилинмоқда.

Ислом КАРИМОВ:

Биз 2007 йилги истиқбол кўрсаткичлари ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларини белгилар эканмиз, аввало, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик янгилаш, жамиятни эркинлаштириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш заруратидан келиб чиққан ҳолда иш олиб боришимиз лозим.

АНДИЖОН

Вилоят фаоллар йиғилишида ўтган йилни халқ хўжалигининг турли соҳаларида муайян ютуқлар билан якунланганлиги айтиб ўтилди. Ялпи ички маҳсулот 2006 йилга нисбатан 8 фоизга ўсди. Саноат ишлаб чиқариши 25, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариши 4, маиший хизмат кўрсатиш 17 фоизга ортди. 9,6 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. 126,5 миллиард сўм миқдорида капитал маблағ ўзлаштирилди.

Маълумки, Андижон вилояти аҳолиси энг зич ҳудудлардан ҳисобланади. Бу эса меҳнатга яроқли аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, кам таъминланган оилаларга эътиборни кучайтириш заруратини туғдирмоқда. Шу боис, вилоят ҳокимлиги ҳукумат ёрдамига таянган ҳолда йирик саноат корхоналарини модернизациялаш дастурини ишлаб чиқди. 20-25 йил аввал ўрнатилган дастгоҳларнинг баҳридан ўтилмоқда. Уларнинг ўрнига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берадиган замонавий жиҳозлар келтирилиб ўрнатилаётир. Ўз навбатида янги-янги иш ўринлари вужудга келмоқда. Олтинкўлдаги трикотаж, Пойтуғ ва Пахтаободдаги ип-йигирув корхоналари ҳадемай юзлаб маҳаллий ёшларни ўз бағрига олади.

Шу ўринда "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси ва автомобилсозларга бутловчи қисмлар етказиб берувчи ўнлаб қўшма корхоналар ютуқларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Маҳаллийлаштириш дастурини босқичма-босқич амалга ошираётган, жаҳондаги энг нуфузли компаниялар билан бемалол беллашаётган қўшма корхона жамоаси 2006 йилда 2005 йилдагига нисбатан 39 мингдан ортиқ автомобилни сотувга чиқарди. Жойларда юзлаб янги иш ўринлари яратилди.

Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 3391 бош қорамол беминнат тарқатилди. 1100 дан зиёд кам таъминланган оилаларнинг коммунал тўловдан қарздорлиги ҳомийлар ёрдамида ижобий ҳал этилди. Умуман олганда, ҳомийлар ва шифокорлар йили дастурига асосан давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда мурувватли тадбиркорлар томонидан 11 миллиард сўм маблағ эзгу ишларга йўналтирилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда йўл қўйилган айрим камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида ҳам ўз фикрларини билдирдилар. Хусусан, қишлоққа саноатни олиб киришда Улуғнор, Кўрғонтепа, Хўжаобод, Бўз туманларида сусткашликка йўл қўйилмоқда. 17 та корхона халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни камайтириб юборди. "Бобур", "Семурғ", "Андижон пойабзал" сингари йирик корхоналарнинг раҳбарлари шиддатли давр талабини ҳанузгача англаб етмаётгани афсусланарлидир.

Шунингдек, мажлисда бозорларни тартибга солиш, хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, коммунал тўловларини йўлга қўйиш ва қишлоқда яшовчилар учун қатор қулайликлар яратиш ҳар бир раҳбар зиммасига алоҳида масъулият юклаши таъкидланди.

НАМАНГАН

2006 йил якунлари таҳлили ва жорий йилнинг устувор вазифаларини белгилаб олиш юзасидан ўтказилган фаоллар йиғилишида таъкидланганидек, ислоҳотларни ислоҳот учун эмас, инсон манфаатларини кўзлаб ўтказилаётганлиги ўз мевасини бермоқда. Масалан, саноат соҳасида мавжуд қувватлардан тўлиқроқ фойдаланиш, эскирган ускуналарда ишлаётган корхоналарни модернизация қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, экспортни кўпайтириш саъй-ҳаракатлари учун сарфланган 28,6 миллиард сўм сармоя пировардида маҳсулот тайёрлаш ҳажмини 10,9 фоизга кўтариш имконини берди.

Қувончли жиҳати шундаки, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши вилоятда инвестиция муҳитининг яхшиланишига ҳамда хорижий сармояларни жалб этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижлик сармоядорлар билан мустаҳкам ҳамкорлиги натижасида ўтган йили 5 та янги қўшма корхона ташкил этилди. Ҳисобот даврида вилоятга 10,6 миллиард сўмлик хорижий инвестициялар, шу жумладан, 8,7 миллиард сўм тўғридан-тўғри чет эл сармоялари ва кредитларининг жалб этилиши "Нестле Ўзбекистон", "Марвел Джус Ко", "Аснамтекстил", "Поп Фен" сингари корхоналарда ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш имконини берди. Ташқи бозорга чиқарилаётган маҳсулотлар ортиб, вилоятнинг умумий экспорти 96,4 миллион АҚШ долларига етди ва кейинги бир йилнинг ўзида 24,1 фоиз ўсиш таъминланди.

Айтиш жоизки, вилоят иқтисодиётида аграр тармоқнинг ўзига яраша ўрни бор. Мулкка муносабат ўзгариши, деҳқонларда ерга эгалик ҳисси шаклланиши баробарида қишлоқда бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган меҳнат кооперациясининг янги шакллари, янгича хўжалик юритиш муносабатлари тизими барқарор ривожланмоқда. Айни пайтда вилоятда 13 минг 712 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатяпти.

Йиғилишда ўтган йил давомида бой берилган имкониятлар, охирига етказилиши лозим бўлган юмушлар атрофлича таҳлил қилинди. Ташвишланадиган ҳолатлар эса кам эмас. Хусусан, 8 та корхона саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2005 йилга нисбатан 5,6 миллиард сўмга камайтириб юборган. Яна 8 та корхона эса фаолиятини 6,4 миллиард сўм зарар билан якунлаган. Бир қатор акциядорлик жамиятларидаги аҳвол уларнинг истиқболи билан боғлиқ кескин чоралар кўришни тақозо этади.

Мажлисларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

ҚАШҚАДАРЁ

Вилоят мамлакатимизда энг кўп пахта, ғалла етиштиради. Республикада ишлаб чиқарилаётган нефть ва конденсатнинг 92,7 фоизи, газнинг 95,5 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Ёнилғи-энергетика ва барча тармоқларда ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётганлиги туфайли вилоятнинг иқтисодий салоҳияти тобора ортиб бормоқда. 2006 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 6,8 фоизни ташкил этди.

2005 йилга нисбатан саноат ишлаб чиқариши ҳажми 7,9, капитал маблағларни ўзлаштириш 39,5 фоизга ўсди. Ялпи ҳудудий маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 44,3 фоизни ташкил этаяпти. Иқтисодиётнинг асосий тармоғи — қишлоқ хўжалигидан олинган соф даромад 100 миллиард сўмдан ортди.

Яхши даромад ижтимоий соҳани ривожлантириш учун катта имкониятлар яратиб, инсон манфаатлари олий қадриятга айланади. Шу боис, вилоятда кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳоли даромадларини оширишга алоҳида эътибор берилди.

Муҳокама жараёнида асосий эътибор центнер, тонна, фоизларга эмас, балки турмуш фаровонлиги даражасини ифодаловчи даромадларга қаратилди. Шу жиҳатдан қаралганда айрим туман, корхона ва фермер хўжаликларида камчиликлар яққол кўзга ташланди.

Вилоят фаолларининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш соҳасидаги вазифаларга бағишланган йиғилишида бу натижалар танқидий таҳлил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишларни амалга оширишнинг аниқ режалари ҳақида батафсил фикр юритилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Азимов иштирок этди.

ХОРАЗМ



Вилоят фаолларининг йиғилишида ўтган йили барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича кўзланган натижаларга эришилгани таъкидланди. Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 6 фоизни ташкил қилган бўлса, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,3 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари 3,9 фоизга, хизмат кўрсатиш 9,0 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 4,2 фоизга, инвестицияларни жалб этиш 58,9 фоизга ўсди. Ташқи савдо айланмаси эса 147,2 миллион АҚШ долларига етди.

2006 йилда аҳоли бандлигини ошириш, турмуш даражасини босқичма-босқич юксалтириш йўлида ҳам сезиларли қадамлар қўйилди. Аҳолининг касаначиликнинг турли шакллари билан шуғулланиши учун шароит яратиб бериш, кам таъминланган оилаларни чорва моллари билан таъминлаш орқали 34,3 мингта иш ўрни яратилди. Касаначиликни ривожлантириш натижасида эса 2245 киши фойдали меҳнатга жалб этилди.

Аниқроғи, вилоятда катта сармоя, маблағ талаб қилмайдиган касаначиликни янада ривожлантириш учун корхоналарда бекор турган дастгоҳ ва ускуналар қўлидан иш келадиган одамларга берилди. Пировардида 2245 та оила қўшимча даромадга эга бўлди.

Шу билан бирга, назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Айни чоғда йиғилиш қатнашчилари ҳар бир ишда масъулият ва ташаббусни чуқур ҳис этиш ютуқлар омили эканини алоҳида таъкидладилар. Бундай фазилатлар етишмаган жойда ўз-ўзидан сусткашлик юзага келади.

Йиғилишда вилоят давлат мулкини бошқариш бошқармасининг хусусийлаштириш масалаларига ёндашуви талаб даражасида эмаслиги танқид қилинди. Гап шундаки, ўтган йили хусусийлаштириш режалаштирилган 42 та объектдан атиги 31 тасигина сотилган. Бу билан режа 76 фоиз бажарилган, холос. Уй-жой-коммунал хўжалигидаги ислоҳотларнинг бориши кўнгилдагидек эмас.

Вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, биринчи навбатда, мевасабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида ҳам ечимини кутаётган муаммолар қалашиб қолган. Бултур мавжуд 15 та қайта ишлаш корхонасида бор-йўғи 8,6 минг тонна маҳсулот қайта ишланганлиги шундан далолат беради.

Йиғилишда 2007 йил режалари белгилаб олинди. Унга кўра, барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар изчил давом эттирилади. Масол учун, жорий йилда вилоятда етиштириладиган 1930 тонна пилла хомашёси шу ернинг ўзида тўлиқ қайта ишланади. Бунинг учун 1048 та янги иш ўрни ташкил этиш, 3,2 миллион АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Хитой технологияси асосида йилига 90 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга 6 та завод ишга туширилди. Уларда эса 4,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 600 та янги иш ўрни очилади. Буларнинг ҳаммаси инсон манфаатлари, аҳоли даромадларини кўпайтириш йўлида хизмат қилади.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди, қайд этилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Бош вазир ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, Қ. НАЖМИДДИНОВ, Б. НОРҚОБИЛОВ, О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 21 февраль куни Оқсаройда Кувайт Давлати, Индонезия Республикаси ва Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Одил Муҳаммад Абдурасул Ҳасан Ҳаёт, Шаҳрил Сабаруддин ва Азиз Мадмаров ишонч ёрлиқларини топширди.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, уларнинг мамлакатимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади. Юртимизда фаолият бошлаётган бу дипломатлар ҳамкорликни кенгайтириш ишига муносиб ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон билан Кувайт ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига анча бўлган. Аммо Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил январь ойида Кувайтга бўлган расмий ташрифига қадар томонлар ҳамкорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланмай келди. Ушбу ташриф чоғида ўзаро муносабатларни ривожлантириш, амалий ҳамкорлик учун қулай шароит яратиш масалалари муҳокама қилиниб, қатор келишувларга эришилди. Жумладан, ҳукуматлараро қўшма комиссия тузишга қарор қилинди.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида, халқаро сиёсий жараёнларга нисбатан Ўзбекистон ва Кувайт раҳбариятининг қарашлари уйғун. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочиш, ҳаво алоқаси борасидаги, шунингдек, терроризмга, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланган. Ўзбекистон Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

— Ўзбекистон Президентининг Кувайтга ташрифи икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаб, алоқалар фаоллигини оширди, — деди Кувайт элчиси журналистлар билан суҳбатда. — Ўзаро муносабатларимиз ҳар томонлама ривожланмоқда. Ўз миссиям давомида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

Индонезия Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё минтақасидаги ишончли шериклардир. Мамлакатларимиз тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, терроризм ва бошқа турдаги таҳдидларнинг олдини олиш масалаларида ҳамфикр. Ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдан Ўзбекистон ҳам, Индонезия ҳам манфаатдор. Айни пайтда савдо-сотиқни ривожлантириш, икки томонлама солиқдан қочиш, божхона соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида маданият, илм-фан, таълим, сайёҳлик каби соҳаларда ҳам ҳамкорликнинг истиқболлари порлоқ. Масалан, Индонезия аҳли Ўзбекистоннинг бой тарихий меросига, жумладан, Самарқанд, Бухоро каби қадимий шаҳарларимиздаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишга катта қизиқиш билан қарайди.

Ўтган йилнинг декабрь ойида Тошкентда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликларининг делегациялари ўртасида икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувларнинг биринчи давраси бўлиб ўтди. Унда ўзаро ҳамкорликка, БМТ, АСЕАН, Ислом конференцияси ташкилоти каби тузилмалар доирасидаги алоқаларга доир кенг қамровли масалалар кўриб чиқилди. Бу ҳам Ўзбекистон — Индонезия ҳамкорлиги тараққиёт йўлидан бораётганига бир далилдир.

— Ўзбекистон ва Индонезиянинг сиёсий ҳамкорлиги юқори даражага кўтарилган, иқтисодий соҳада ҳам мамлакатларимиз бир-бири учун яқин шериклардир, — деди Индонезия элчиси. — Савдо-сотиқни, иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш Ўзбекистондаги фаолиятимнинг асосий йўналишларидан бири бўлади. Келганимга энди икки ойдан ошган бўлса-да, юртингиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда эришган улкан ютуқлар билан танишдим ва бу кишини қувонтиради.

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан бир-бири билан қувончли кунларини баҳам кўриб, оғир дамларда ҳамдард, елкадош бўлиб яшаб келган. Умумий тарих, муштарак маданият ва урф-одатлар, тил ва диннинг бирлиги бугунги кунда ҳам ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги алоқаларда яхши қўшничилик ва қардошлик, ўзаро ишонч тамойиллари устувор аҳамиятга эга. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 38 фоиз ўсди.

Икки мамлакат раҳбарлари МДҲ, Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва бошқа халқаро тузилмаларнинг саммитларида мунтазам учрашиб турадилар.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 2006 йилнинг октябрида Қирғизистон Президенти Курманбек Бакиев расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди, — деди Қирғизистон элчиси. — Ташриф асосида Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари Қўшма баёнотга ҳамда 2007-2011 йилларда иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва дастурга имзо чекдилар. Бу билан ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Мен Ўзбекистондаги элчилик фаолиятим давомида эришилган ана шу аҳдлашувларни амалга ошириш ва мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш борасидаги ишларга ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

(ЎзА).

Дунё нигоҳи

Халқаро Валюта Жамғармаси миссияси:

Ўзбекистон Марказий банки томонидан пул-кредит сиёсатининг қатъийлаштирилиши, тузилмавий ва солиқ-бюджет ислоҳотлари изчил амалга оширилишининг давом эттирилиши ҳам 2006 йилда иқтисодиётни мустаҳкамлаш борасида қабул қилинган муҳим чора-тадбирлардан бўлган.

Мавжуд вазият ва тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон иқтисодиётининг 2007 йилдаги истиқболлари ижобийдир.

Мушоҳада

Одамзот азал-азалдан ўз ҳаётига дахлдор воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаган. Жамият ва давлат тараққиётига тааллуқли нимаики бор экан, албатта у инсон манфаатларига хизмат қилиши керак. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар туб мазмун-моҳияти билан инсон манфаати таъминланишига қаратилмоқда. Бу ҳақда Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисдаги маърузаларида алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

ҒАМХЎРЛИК ТАШАББУСГА УНДАЙДИ

Йиғилишда мамлакатимизда олиб борилаётган муҳим масалалар қатори таълим-тарбия соҳасига қаратилаётган эътибор, бу борада эришилган ютуқлар эътироф этилди. Ёш авлоднинг миллий истиқлол ғоялари асосида тарбияланиб, улуғ аждодларимизга муносиб тарзда вояга етишлари, энг аввало, уларнинг бугунги олаётган сабоқлари, эришаётган озми-кўпми, ютуқларига боғлиқ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётга татбиқ этила бошланганидан буён юртимизда ҳар йили кўплаб касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар қад ростламоқда. Албатта, бу бунёдкорликлар ёшларнинг пухта билим олишлари учун хизмат қилиши керак. Бинобарин, ёш авлоднинг эртага қандай одам бўлиб етишиши оиладан кейин боғча ва мактаб, лицей-коллежда олинадиган тарбияга боғлиқ. Шунинг учун ҳам болаларга эътибор халқимиз учун энг муҳим вазифалардан саналади. Мустақил мамлакатимиз учун, эртага ҳеч кимдан кам бўлиб қолмаслик учун ҳар жиҳатдан билимдон ва салоҳиятли, зукко фарзандлар керак.

Президентимизнинг фарзандлар келажагини ўйлаб яшаш — ўзбек миллатига хос фазилат, деган гапга алоҳида урғу беришлари бежиз эмас. Куюнчаклик билан айтилган бу фикрлар давлатимиз раҳбарининг ўтган йили Фарғона вилоятига сафари чоғида Марғилон тиббиёт коллежи ўқувчилари билан бўлиб ўтган мулоқотни ёдимга солди. Ўша учрашувда Ислом Каримов тиббиёт ходими қандай бўлиши, халқимизнинг қиз бола тарбияси борасидаги мулоҳазалари нафақат шу ерда таҳсил олаётганларга, балки мамлакатимизнинг барча ёшлари учун ҳам катта сабоқ бўлди, дейиш мумкин.

Умуман, давлатимиз етакчиси ҳар гал ёшлар билан суҳбатлашганларида "Мен сизларга ишонаман!" дея бот-бот такрорлайдилар. Бундай катта ишонч аниқки, оппоқ орзу-ниятлар оғушида улғаяётган ҳар бир ўсмир йигит-қиз учун катта шарафдир. Айни пайтда улкан масъулиятни ҳам унутмаслик лозим. Зеро, Президентимиз ёшларга бўлган ишончларини амалда исботлаб, келажагимиз ворислари учун ҳамма соҳада зарур шарт-шароитлар яратилишига бош-қош бўлмоқдалар.

Ёшларимизнинг барча соҳаларда иқтидори ва билимини намоён эта олишларини бугун бутун жаҳон тан олмоқда. Бир вақтлар муҳташам бинолар, ёруғ ва шинам ўқув хоналарида таҳсил олиш ушалмас орзу эди. Бугун эса бу орзу озод юртимизда амалда ўз исботини топди. Энг муҳими, эндиликда қишлоқда яшайдиган бола учун шаҳардаги ўқув масканларини орзу қилиш ҳисси бегона. Чунки энг чекка қишлоқларимизда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган билим масканлари фаолият кўрсатаяпти. Фақат зиммамизда бир вазифа бор: ёшларни ҳеч қачон зериктириб қўймаслик керак. Ҳар бир дарс жараёнига алоҳида ижодий тайёргарлик билан ёндашиш лозимлигини бугунги кун тақозо этмоқда.

Ахир, таълим ва тарбия ёшлар учун ниҳоятда зарур бойлик, уларнинг эртанги ҳаёти учун энг муҳим воситадир. Инсон — билим билан муҳтарам, унинг улуғлиги ҳам илм туфайли. Отаболаримизнинг қадимқадим замонлардан бери интилиб, илму ҳунар эгаллаш йўлида ҳар қандай тўсиқни, қийинчиликни енгиб келганининг боиси ҳам шунда.

Мактабларимизнинг нафақат ташқи кўриниши, шу билан бирга таълим сифатини ошириш, ўқитувчи меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш борасидаги ислоҳотларни инобатга олганимизда ҳам, юрт равнақи йўлида қанчалик улуғ юмушлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз.

Рақамларга эътибор қаратамиз. 2006 йилдаги маълумотларга кўра, мактаблар сони 9773 тага, ўқитувчилар сони 450327 нафарга етди. Албатта, бу рақамлар ортида ҳукуматимизнинг соҳага эътибори турибди. Бундан ташқари, ўқитувчиларнинг ойлик маошлари оширилгани айни муддао бўлди. Куним ўтса бўлди, қабилида ишга номигагина келиб-кетувчи ўқитувчиларга бугун мактабда ўрин қолмади. Фақат ва фақат ўз устида ишлашни маъқул кўрган кишиларгина муносиб рағбатлантирилмоқда.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлашни истардикки, ҳукуматимизнинг мактабга қаратаётган ғамхўрлиги фуқароларимизнинг ҳам ташаббус билан чиқишига сабаб бўлмоқда. Умумхалқ ҳаракати натижасида республика бўйича Дастурга кирмаган объектлардан жами 101829 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 167 та таълим муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари тугатилиб, фойдаланишга топширилгани ва бу ишларга қарийб 10 млрд. 819 млн. сўм маблағ сарфлангани фикримиз далилидир. Кўринадики, халқимизнинг "Ҳашар — элга ярашар" деган нақли бу жараёнда яққолроқ намоён бўлмоқда.

Буларнинг барчаси, йиғилишда Президентимиз катта мамнуният билан эътироф этганидек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ қилинганлигидандир. Шунинг учун ҳам бу ташаббус бугун минглаб ёшларимизнинг ҳаётга дадил ва мустақил қадам қўйишлари замирида ўзини оқламоқда.

Ана шу дадил одимга кўз тегмасин, деймиз!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасининг Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамғармалар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

ИЖОДИЙ УЮШМА ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири А.Орипов давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси истиқлол йилларида мамлакатимиз эришган ютуқлар, миллатимизнинг яратувчанлик ва бунёдкорлик салоҳияти, келажакка ишончи, орзу-умидларини таъсирчан тасвирий воситалар орқали акс эттириб, халқимиз, айниқса ёш авлод онгига етказишда катта ҳисса қўшиб келаётганини қайд этди.

Уюшма томонидан турли вазирлик, жамоат ташкилотлари, ижодий бирлашмалар билан ҳамкорликда "Конституция – бахтимиз пойдевори", "Конституцияни ўрганамиз", "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловлари, ёш мусаввирлар, ҳунарманд усталар ижодига бағишланган кўргазмалар ташкил этилиши истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда мустақиллик, Наврўз байрамлари, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи тантаналари, умумтаълим мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари, Республика хотин-қизлар спартакиадаси каби кўплаб йирик тадбирлар учун уюшма ижодкорлари томонидан кўплаб маҳобатли безаклар ва паннолар тайёрланди.

Шу билан бирга, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида жамиятимизда меҳр-оқибат, эзгулик ғояларининг янада мустаҳкам қарор топишига хизмат қилувчи, халқимиз, айниқса ёшлар қалби ва онгига самарали таъсир этувчи ижтимоий аҳамиятга молик чора-тадбирларни кучайтириш зарурлигига йиғилишда алоҳида эътибор қаратилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎҚУВИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси жойларда чуқур ўрганилиб, унда қўйилган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш йўллари белгилаб олинмоқда. Ана шундай махсус курс машғулотлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ҳам давом этмоқда.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларнинг туман ва шаҳарлари хотин-қизлар қўмиталари раҳбарлари, фаол аёллар иштирок этмоқда.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан экани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янада юқори поғонага кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармонга биноан юртимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, касбий, ҳуқуқий, иқтисодий билим ва малакасини янада ошириш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда янги иш ўринларини барпо этиш, хотин-қизлар ўртасида хусусий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга оид чора-тадбирларни кенгайтириш ҳам давр талаби.

Беш кун давом этадиган машғулотларда «Ижтимоий ҳимоя — барқарор тараққиёт омили», «Хотин-қизлар қўмиталарининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасидаги фаолият йўналишлари», «Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир давлат сиёсати», «Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари» каби мавзуларда маърузалар тингланади.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

(ЎзА).



Бугунги кунга келиб, жаҳон иқтисодиётида глобал ўзгаришлар юз бермоқда. Шу билан бирга, товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш ҳажмининг тинимсиз ўсиб бораётгани, ҳар қандай давлатни, жумладан, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишни тақозо этади. Бу вазифа эса Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари зиммасига юклатилган.

Жиззах вилоят божхона қўмитасининг "Жиззах" ташқи иқтисодий фаолият постида хизмат бурчини бажараётган божхона хизмати катта лейтенанти Шердор Расулов ўз вазифасига сидқидил ёндашади. Шу билан бирга, у тадбиркор ва ишбилармонларга давлатимизнинг тегишли қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини етказиш ҳамда божхона таомиллари бажарилишини таъминлашга ҳаракат қилмоқда.

СУРАТДА: божхона хизмат катта лейтенанти Шерзод Расулов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ
олган сурат.

Жиноятга жазо муқаррар

Пойтахт вилоятининг Тошкент туманида қўшни Қозоғистон Республикасидан мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний равишда товар-моддий бойликлар, маҳсулотлар кириб келмаслиги учун маҳаллий ҳокимлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тегишли чора-тадбирларни кўрмоқда. Кенг кўламда амалга оширилаётган бундай ишлар ўз самарасини беряпти, албатта. Буни юртимиз ҳудудига контрабанда йўли билан олиб келинаётган моддий товарларнинг йилдан-йилга камайиб бораётганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

УЯТДАН ЕР ЧИЗИШДИ

Лекин афсуски, туманда яшаётган айрим фуқаролар ҳамон қонунбузарликлар содир этмоқдалар. Улар қўшни давлатдан қонунга зид равишда товар-моддий бойликларни олиб келишяпти. Масалан, ўтган йили ана шундай тарзда келтирилган 1,5 миллиард сўмлик маҳсулотлар тўхтатилди. Бундай қонунбузарликлар мамлакатимиз иқтисодиётига зарар етказибгина қолмасдан айни пайтда сифатсиз, истеъмолга яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотлари аҳоли соғлигига хавф туғдирмоқда.

Энг афсусланарлиси, қонунбузарлар текин даромад илинжидаги ҳаракатлари орқали ўзлари истиқомат қилаётган жойдаги қўниқўшнилари, қариндош-уруғлари ва ёру биродарларининг соғлом турмуш тарзига, айниқса ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Яқинда Тошкент туманининг Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номидаги агрофирма маданият саройида чегара қонунчилигини мунтазам равишда бузиб, контрабанда йўли билан қўшни республикадан турли хил товар-моддий бойликларни олиб келаётган уч нафар шахс устидан жиноят ишлари бўйича туман судининг сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд мажлисида ўз-ўзини бошқариш идораларининг вакиллари, маҳаллий ўқув юртлари муассасалари ўқитувчилари ва ўқувчиларидан иборат 500га яқин киши, шунингдек оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Суд мазкур туманда истиқомат қилувчи Зафар Мирзаякубов, Ҳожиакбар Издибоев ва Тошпўлат Ҳамидовларга нисбатан жиноий ишни кўриб чиқди. Маълум бўлишича, учала шахс ҳам номақбул ҳаракатлари учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан бир неча бор огоҳлантирилган. Аммо ҳаром даромадни ўйлаган шериклар бундан тегишли хулоса чиқаришмаган. Қонунларга, юртимиз манфаатларига беписандлик уларни суднинг қора курсисига олиб келди. Суд жараёнида қонунбузарлар ўз қилмишларидан пушаймон эканликларини, бундай номақбул ишга бошқа қўл урмасликларини айтишди.

Табиийки, одил суд қонунбузарларга жазо тайинлашда буни ҳисобга олди. З. Мирзаякубов ва Х. Издибоевни 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Т. Ҳамидов (вояга етмаганлиги учун)га 1 йилга синов шарти билан жазо тайинлади.

— Бизнинг ҳудудимиз ҳам чегара ҳудудида жойлашган, — дейди очиқ суд мажлисида иштирок этган "Гулистон" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Ғиштқўприк" маҳалласи раиси Рихсибой Обидов. — Шу боис, доимий равишда туман ҳокимлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан биргаликда аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб борамиз. Энг муҳими, одамларнинг онгига контрабанда билан шуғулланиш қонунга хилоф эканлигини, давлатимиз ва халқимиз манфаатларига зидлигини сингдиришга ҳаракат қиламиз. Айниқса, бу борада ота-оналарнинг таъсири катта. Улар фарзандига вақтида тушунтирса, контрабанда йўли билан товарлар олиб келиш мавжуд қонунларга зид эканлигини уқтирса, қонунбузилишлар барҳам топади.

Ўйлаймизки, юқоридаги воқеа кўпчиликка ибрат бўлади ва жиноятга жазо муқаррар эканлигини билдиради.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ИПОТЕКА КРЕДИТИ ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Сўраган эдингиз

Газетхонлар саволларига республика Марказий банкининг Банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти директори Ҳайдар НУРМУРОТОВ жавоб беради.

Гулбаҳор ЭРАЛИЕВА (Кармана шаҳри):

— Ипотека кредити учун қандай ҳужжатларни тақдим этишим керак?

Жавоб: — Аввало, қарз олувчи ипотека кредити олиш учун унинг суммасини кўрсатган ҳолда банкка буюртма тақдим этади. Бу кредит буюртмасига эса қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

1.Кредит олувчи ва у билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг даромадлари тўғрисида охирги 12 ой учун доимий иш жойидан (доимий иш жойи мавжуд бўлганда) берилган маълумотномалар ёки қарз олувчи ва унинг оила аъзоларининг охирги 12 ой учун даромадлари тўғрисидаги декларацияларнинг улар яшаш жойидаги давлат солиқ органи томонидан тасдиқланган нусхалари.

2.Қарз олувчининг номига очилган жамғарма омонат ҳисоб-варағида қуриладиган якка тартибдаги уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдорида пул маблағлари жойлаштирилганлиги тўғрисидаги банк маълумотномаси ёки қарз олувчи томонидан қуриладиган якка тартибдаги уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдорида қурилиш материаллари сотиб олинганлиги ёки шу миқдорда қурилиш-монтаж ишлари бажарилганлиги бўйича дастлабки ҳисоб-китоб.

3.Қарз олувчининг оиласи таркиби тўғрисида яшаш жойидан берилган маълумотнома ва уларнинг паспортлари нусхаси.

Бундан ташқари, қарз олувчи томонидан ипотека кредитининг қайси мақсадга олинаётганлигидан келиб чиққан ҳолда банкка қўшимча ҳужжатлар ҳам тақдим этишлиши талаб этилади. Улар қуйидагилардан иборат:

— қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда якка тартибда уй-жой қуриш учун ариза берувчининг ер участкасига (доимий фойдаланиш, мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилиш, мулк эгаси) бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

— якка тартибда уй-жой қуришга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилган ва қарз олувчи томонидан тасдиқланган лойиҳанинг нусхаси.

Айни чоғда якка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш учун ипотека кредити олишда эса, қўшимча равишда реконструкция қилинадиган якка тартибдаги уй-жойга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари ҳамда якка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш учун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилган ва қарз олувчи томонидан тасдиқланган лойиҳанинг нусхаси ҳам банкка тақдим этиш талаб этилади.

Мабодо қарз олувчи якка тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олишга ипотека кредити олмоқчи бўлса, қўшимча равишда сотиладиган якка тартибдаги уй-жойнинг ёки кўп квартирали уйдаги квартиранинг келишилган қийматини кўрсатиши, уй-жойга ёки квартирага эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда, якка тартибдаги уй-жойнинг ёки кўп квартирали уйдаги квартиранинг олди-сотдиси тўғрисидаги дастлабки шартномани банкка тақдим этиши талаб этилади.

Зоҳид МУҚИМОВ (Қуйи Чирчиқ тумани):

— Қарз олувчи томонидан банкка тақдим этилган ҳужжатлар қанча муддатда кўриб чиқилади?

Жавоб: — Низомда ипотека кредити олиш учун буюртма ва унга илова қилинган барча ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ва кредит бериш ёки кредит беришни асослантирилган тарзда рад этиш тўғрисида хулоса чиқариш 30 иш кунидан ошмаслиги белгиланган. Бунда банк кредит комиссияси (кредит қўмитаси) ипотека кредити бериш тўғрисида қарор қабул қилган кундан бошлаб 3 иш кунидан ошмаган муддатда банк қарз олувчи билан кредит шартномаси тузиши шарт.

Агар банк кредит комиссияси (кредит қўмитаси) ипотека кредити беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул этган тақдирда, банк қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни муддатида қарз олувчига кредит беришнинг рад этилиши сабабларини асослаган ҳолда ёзма хулосасини жўнатиши лозим.

"Халқ сўзи" мухбири
Саидолим ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Барча ҳудудларда бўлгани сингари Бухорода ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган анъанавий "Ташаббус — 2007" кўрик танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ғолиблар пойтахтда беллашади

Таъкидлаш жоизки, бу қўҳна ва навқирон юрт одамлари азал-азалдан тадбиркор, моҳир ҳунарманд. Шу боис бўлса керак, кўрик-танлов ҳайъатига ғолибларни аниқлаш осон кечмади.

Пировардида "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича Бухородаги "OFS" хусусий фирмаси, "Энг яхши фермер" номинациясида Жондор туманидаги "Оллоҳназар Шоҳназар Бобоназар" фермер хўжалиги ва "Энг яхши ҳунарманд" йўналишида Шофиркон туманилик Муҳаббат Кўчқорова ғолиб деб топилди. Уларга ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар топширилди. Энди улар келгуси ойда Тошкентда бош соврин учун беллашадилар.

Республика Савдо-саноат палатаси Матбуот хизматидан маълум қилишларича, кўрик-танлов давомида минитехнологиялар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги етакчи фирма ва компаниялар, шунингдек, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти томонидан ишлаб чиқарилган ихчам ускуна ва жиҳозлар намойиш қилинди.

Х. САИДОВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Венада Косовонинг келгуси мақомини белгилаш юзасидан сўнгги раунд музокаралари бўлиб ўтмоқда. Унда Сербия ҳукумати ва косоволик албанлар етакчилари иштирок этаяпти. Музокаралар БМТнинг Косоводаги махсус вакили Марти Ахтисаари бошчилигида ўтказилаяпти. Учрашувда БМТ томонидан тақдим этилган Косовога мухторият бериш таклифи муҳокама қилинмоқда. Сербия ҳукумати бунга қарши чиқди. Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, музокаралар натижасиз тугайди.

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Ироқдан мамлакат ҳарбий кучларини олиб чиқиб кетиш ҳақида баёнот берди. Айни пайтда етти минг британиялик аскарлар Ироқда хизмат қилмоқда. Тахмин қилинишича, яқин бир неча ой давомида уларнинг бир ярим минг нафари, йил охирига қадар эса яна шунча аскар Ироқни тарк этиши мумкин. Бироқ маҳаллий матбуотда ёзилишича, ҳарбийларни олиб чиқиш Ироқдаги вазиятга боғлиқ.



Америка апелляция суди Жорж Буш маъмуриятини Гуантанамо қамоқхонаси масаласида қўллаб-қувватлаб қарор қабул қилди. АҚШ раҳбарияти ўтган йили терроризмда гумон қилинган шахсларни суд қилишнинг янгича тартибини ифодаловчи қонун лойиҳасини Конгресс муҳокамасига киритганди. Унда маҳбусларни ҳарбий комиссия суд қилиши таъкидланган. Суд қарорига кўра, фуқаролик судларининг Гуантанамодаги маҳбусларни сақлаб туриш қонуний ёки қонуний эмаслиги тўғрисида ҳукм чиқаришга ваколатлари йўқ. Бугунги кунда мазкур қамоқхонада 400 нафар маҳбус сақланмоқда. Қизиғи, уларга тўрт йилдан буён расмий айблов эълон қилинмаган.

Покистоннинг Панжоб музофоти маъмурияти аъзоси, ижтимоий таъминот вазири Зилле Хумани жангарилар отиб кетишди. У Покистон мусулмонлар лигаси партияси фаоли ҳам эди. Хума Гужранвала шаҳрида партия тарафдорлари олдида чиқиш қилиши керак эди. Суиқасдни амалга оширган одам воқеа жойида қўлга олинди. Бир пайтнинг ўзида қуролли жангарилар Белужистон музофотида яна бир вазирнинг кортежига ҳужум уюштирдилар. Лекин вазирга шикаст етказиша олмадилар.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан ядро дастурини тўхтатиш учун Эронга берилган 60 кунлик муддат тугамоқда. Ушбу сана яқинлашишидан олдин МАГАТЭ раҳбари Муҳаммад ал-Барадеи Эроннинг ядро масалалари бўйича бош вакили Али Лариджани билан учрашиб, музокаралар ўтказди. Учрашувлардан сўнг Лариджани журналистларга расмий Теҳрон ташқи таҳдидлардан қўрқмаслигини ва ушбу масала музокаралар йўли билан ҳал этилишини билдирди. Муҳаммад ал-Барадеи халқаро ҳамжамиятдан Эронга нисбатан жиддийроқ жазо чораларини қўллашни сўрамоқчи.

Ироқнинг турли ҳудудларида бир пайтнинг ўзида тўртта давомли терактлар амалга оширилди. «ИТАР-ТАСС» тарқатган хабарларга кўра, 23 киши ҳалок бўлди. Мамлакатда хавфсизлик чоралари кучайтирилишига қарамасдан хунрезликлар тобора авж олмоқда. Бунинг оқибатида аксарият тинч аҳоли қурбон бўлмоқда.

Европанинг энг йирик самолётсозлик компанияси «Аэрбас» 10 мингта иш ўринларини қисқартирмоқчи. Бу маълумотни Франция Бош вазири Доминик де Вильпен ҳам тасдиқлади. Бироқ акционерлар компаниянинг Германия ёки Франция тармоғидаги ишчиларни қисқартириш юзасидан бир келишувга эриша олишмаяпти. Бу масала Жак Ширак ва Ангела Меркель ўртасида ҳам баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Яман ҳукумати Қизил денгиз устида 14 километрлик кўприк қуришни режалаштираяпти. Айни пайтда қурилиш лойиҳаси устида иш олиб борилаяпти. Ушбу кўприк Яман ва Жибутини бир-бирига боғлаши керак. Мазкур лойиҳанинг баҳоси бир миллиард долларга баҳоланмоқда ва уни амалга ошириш ишлари икки ойдан сўнг бошланади. Ҳукумат вакилининг сўзларига кўра, агар кўприк ишга туширилса, у Осиё ва Африкани боғловчи иншоотга айланади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг туб мақсад-моҳияти мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, кишиларимизнинг эртанги турмушини янада фаровонлаштириш, юртимиз нуфузини кундан-кун юксалтиришдан иборатдир. Зеро, янгича фикрлайдиган етук кадрларни тарбияламай туриб, белгиланган вазифаларни уддалаш, юқори марраларни эгаллаш амри маҳолдир. Худди шу маънода, институтимиз профессор-ўқитувчилари жамоаси ҳам ўз зиммаларида нечоғлик улкан масъулият борлигини яхши англашади.

ЗАМОНГА МОС МУТАХАССИСЛАР

тайёрлашда халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ўрни алоҳида

Маълумки, шўро даврида мамлакатимиз хомашё етказиб беришга ихтисослаштирилган эди. Юртимизда қайта ишлаш тизими эса деярли йўқ эди. Ўзбекистондан олиб кетилган хомашёлар бошқа жойларда қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантириларди. Бугунги кунга келиб вазият тубдан ўзгарди: эндиликда мамлакатимиз нафақат хомашё етиштиришда, балки ундан тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам етук салоҳиятга эга.

Шу ўринда қиёслаш учун рақамларга мурожаат қилсак: 1990 йили республика бўйича тола ишлаб чиқариш ҳажми атиги бир неча юз минг тоннани ташкил этган эди. Қайта ишлаш саноатида атиги 100 минг тонна тола ишлатилган. Ўтган йиллар давомида республикамизда тола ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортиб, мазкур кўрсаткич йилига 1,2 миллион тоннага етди. Уни қайта ишлаш ҳажми 1990 йилдаги кўрсаткич билан таққосланганда, уч баробар ортди. Соҳа мутасаддилари 2010 йилга бориб олинган толанинг 50 фоизини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантириш мақсадида тинимсиз изланмоқдалар.

Бу ўз-ўзидан амалга ошадиган иш эмас. Бунинг учун соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг қувватини ошириш, ускуналарни модернизациялаш зарур. Айниқса, дунё бозорида маҳсулотимизга бўлган талабнинг ортишига эришишимиз даркор. Худди мана шу зарурият институтимиз зиммасига жуда ҳам катта масъулият юклайди. Зеро, юқорида таъкидлаб ўтилган ўзгаришларни амалга ошириш биз тарбиялайдиган талабаларнинг билим ва салоҳиятига бевосита боғлиқдир.

Шу боис, бу ерда юқори малакали, соҳа йўналишини, замонавий техника ва технологияни тушунадиган маънавий етук кадрларни тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, институт халқаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бобида катта ютуқларни қўлга киритди. Профессор-ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларни ўрганиш мақсадида бир қатор хорижий давлатларда малака оширганликлари, талаба ва профессор-ўқитувчилар томонидан чет эл грантларининг қўлга киритилиши, бир қатор хорижий фирмалар ҳамда компаниялар дастгоҳларининг институтимиз ўқув лабораториялари-

га келтирилиши, бизда халқаро сифат сертификати марказининг самарали фаолият юритаётганлиги сингари ҳаракатлар ана шу ҳамкорлик самараларидир.

Зеро, кейинги йилларда институтда айнан мана шу мезонлар бўйича бажарилган ишлар билим даргоҳимиз салоҳиятини янада юксалтирди. Чунончи, сўнгги йилларда 7,5 миллион АҚШ долларига тенг чет эл инвестицияларининг жалб қилиниши натижасида институт ўқув лабораториялари базаси замон талабларига мос равишда қайта жиҳозланди ҳамда янги компьютер технологиялари билан таъминланди.

Институт ходимларидан 5 нафари Европа Иттифоқининг ТЕМПУС дастури доирасида Греция ва Португалияда масофадан ўқитиш технологияси бўйича малака ошириб қайтишди. 12 нафар профессор-ўқитувчилар эса чет эллик олимлар томонидан ташкил этилган малака ошириш курсларида қатнашиб, "Trutzshler", "Schlafhorst", "Zinser" фирмалари томонидан янги замонавий технологиялар бўйича малака оширганлиги тўғрисидаги сертификатга эга бўлишди. 20 дан зиёд иқтидорли профессор-ўқитувчи, аспирант ҳамда талабалар индивидуал грантлар соҳиби сифатида бир қатор мамлакатларда тажриба алмашиб келишди.

Шу ва шу сингари халқаро ҳамкорлик алоқаларини бундан кейин ҳам ривожлантириш ҳамда янгича босқичга кўтариш юзасидан институт жамоаси томонидан узоқ йилларга мўлжалланган ўзига хос стратегик режа ишлаб чиқилган. Ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш, ўзаро факультетлар ва кафедралар ташкил қилиш, талабалар, ўқитувчиларни ўзаро алмашиниш, мутахассис кадрларни, дипломларни ўзаро тан олиш, етакчи хориж илмий марказлар билан илмий-техникавий грантларни бажариш, виртуал илмий лабораториялар ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Айни пайтда чет эл олий ўқув юртлари, илмий марказлари олимлари салоҳиятидан кенг миқёсда фойдаланиш, ўзаро масофадан ўқитиш тизими, видеоконференцияларни йўлга қўйиш, ўқув, услубий, илмий ва бошқа ахборот-таълим ресурслари билан интернет тизими орқали ўзаро алмашинувни амалга ошириш, замонавий таълим ахборот тизимини шакллантириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишни жадаллаштириш сингари омиллар мазкур стратегик режанинг асосини ташкил этади. Энг муҳими эса, мустақил Ўзбекистонимиз жаҳонга юз тутаётган бир даврда халқаро интеграциянинг, илмий-техникавий ҳамкорликнинг нақадар зарурлигини чуқур ҳис этаётган институт олимлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни сифатли ва аъло даражада бажариш учун нафақат хорижий тажрибаларни ўрганиб амалиётга татбиқ этишмоқда, балки халқаро майдонларда биз ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни, қандай буюк аждодлар вакиллари эканлигимизни исбот қилишмоқда.

Қ.ЖУМАНИЯЗОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори, техника фанлари доктори.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!

ADI International
Panasonic

Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы видеонаблюдения

НОВЫЕ ПОСТАВКИ!
профессиональное качество по привлекательным ценам

Товар сертифицирован

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site:www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ
«УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ

2007 йил 15 март куни соат 11.00 да
Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қўймоқда:

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 14 июлдаги 10-0610/5992-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган; Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган «RAHMAT-NIF» ҚХКга тегишли 2 қаватли, умумий майдони 449,27 кв.м. бўлган маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси — 67 488 000 сўм.

Тошкент шаҳар Бектемир тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 6 ноябрдаги 3941-3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Сувсозлар даҳасидаги Тошкент шаҳар ИИББ ахборот маркази омборхонасида сақланаётган давлат рақами 10Q21-49 бўлган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2106» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм.

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўришлари мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев к., 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

ВИЛОЯТЛАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ, ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАЛАРИ БОШЛИҚЛАРИ, ТАШКИЛОТ ВА ХЎЖАЛИКЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ

2006-2007 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари асосида иш жойларига тақсимламоқда. Университетни битирувчи бакалавр ва магистрларга келгусидаги иш жойини танлаш имкониятини яратиш мақсадида, сиз раҳбарлик қилаётган ташкилотингизда ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятларингиз (маош, турар-жой билан таъминлаш ва бошқа имтиёзлар) ҳақида университет раҳбариятига шу йилнинг 25 мартига қадар хабар беришингизни сўраймиз.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети кундузги бўлимини 2006-2007 ўқув йилида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳақида маълумот (Г-давлат гранти асосида, Ш-шартнома асосида)

№	Таълим йўналишлари, мутахассисликлар / Шаҳар (туман) ва вилоятлар	Бакалавриат: Инглиз филологияси		Таржимонлик факультети		Немис филологияси		Француз филологияси		Испан филологияси		Рус филологияси		Халқаро журналистика		Жами		Магистратура: Инглиз лингвистикаси		Немис лингвистикаси		Француз лингвистикаси		Славян лингвистикаси		Испан лингвистикаси		Таржима назарияси ва амалиёти		Жами	
		Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш
1.	Тошкент шаҳри																														
	Яккасарой тумани	5	9		2		4		1	1		1	1	3	1	10	18	1	2				1			1			3	2	6
	Шайхонтоҳур тумани	3	49	5	9	1				2	5	1	1	3	11	15	75		5		2	1	1			1	1		4	2	13
	Учтепа тумани	7	19	4	7	1	5			1	5	2	4	4	12	19	52	1	2		1		1		1		1	1	1	2	7
	Юнусобод тумани	18	57	1	8	1	1	3		3			5	3	6	29	77		17							1		2	1	3	18
	Сирғали тумани	19	24	2	4	1	1		1			2	2	3	5	27	37		5										1		6
	Чилонзор тумани	23	50	5	8			2	1	1	2	3		2	2	36	63	2	11			1			1				1	3	13
	Ҳамза тумани	13	28	1	2		2	3		2		7	2		1	26	35	2	5											2	5
	Миробод тумани	6	8	2	2	3	3						1	2	3	13	17				1								1		2
	Мирзо Улуғбек тумани	18	38	2	10	4	3			3		1	4	3	3	31	58		7			1		1					5	2	12
	Собир Раҳимов тумани	4	17	5	6	3	1	1		2	2	1	1	4	3	20	30	1	6										2	1	8
	Бектемир тумани	1		1												2			1												1
	Жами	**117**	**299**	**28**	**58**	**14**	**20**	**9**	**3**	**15**	**14**	**18**	**21**	**27**	**47**	**228**	**462**	**7**	**61**		**4**	**3**	**3**	**1**	**2**	**3**	**2**	**3**	**19**	**17**	**91**
2.	Андижон вилояти	7	10		4	2	1	1			1				3	10	19		6	1			1	1					1	2	8
3.	Бухоро вилояти	36	40	3	9	5	4	13	4	1	2		1	2	5	60	65		5		1								6		12
4.	Жиззах вилояти	4	5	2	3	3	1	1			1			2	1	12	11		6		1							1		1	7
5.	Наманган вилояти	13	15	2	6		1	2	2		1				1	17	26		3				1								4
6.	Навоий вилояти	6	11	1	2	4	5	3	2		2			2	1	16	23		3	1	1									1	4
7.	Самарқанд вилояти	7	19		5	3	5	3	2	2				1	8	16	39		5		2					1				1	7
8.	Сурхондарё вилояти	12	8		4						1				2	12	15	3	5		3									3	8
9.	Сирдарё вилояти	2	13	1	2							1			3	4	18		7										1		8
10.	Фарғона вилояти	16	19	1	4	2		3			1			3	2	25	26		4						1						5
11.	Хоразм вилояти	9	11	5	4	4	3	1			2		1		1	19	22		4												4
12.	Қашқадарё вилояти	19	23	7	6	10	6	2	6*				1	3	10	41	52		7	1	1								1	1	9
13.	Тошкент вилояти	29	79	4	12	6	1	2	5			1	1	5	11	47	109	2	15	1	3			1	2				4	4	24
14.	Қорақалпоғистон Республикаси	3	5	1	7				1		1	1			3	5	17		4		1								2		7
	Жами	**280**	**557**	**55**	**126**	**53**	**47**	**40**	**25**	**18**	**26**	**21**	**25**	**45**	**98**	**512**	**904**	**12**	**135**	**4**	**17**	**3**	**5**	**3**	**5**	**4**	**2**	**4**	**34**	**30**	**198**

Манзил: 700138, Тошкент ш., Собир Юсупов к., Г-9«А» мавзеси, 21-«А» уй, Маркетинг хизмати бўлими. Мурожаат учун телефонлар: 275-09-91, 275-89-55.

Товар сертификатланган
Қўшма корхона UZBARREL PRODUCTION

ПЛАСТМАССА БОЧКАЛАРИ

Марказий Осиёдаги энг йирик пластмасса бочкалари ишлаб чиқарувчи.

Қуйидагиларни сақлаш ва ташиш учун мўлжалланган:
*Озиқ-овқат махсулотлари: (сут, пасталар, мойлар, ёғлар, спирт),
*Агрессив моддалар: (кислоталар, ишқорлар, буёқлар, мойлаш материаллари) ва бошқалар.

Европа стандартлари.
Ҳажми 10, 60, 155, 200, 220 литр, тор ва кенг бўғинли.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб шоҳкўчаси,12. Тел./факс: (99871) 152-56-01, 152-74-14.
Сайт: www.uzbp.uz e-mail: uzbp@mail.ru, office@uzbp.uz

МАГАЗИН-САЛОН
"Умный Дом"

- Учрежденческие и мини-АТС
- Системы видеонаблюдения
- Системы контроля доступа

Тел.: 138-9999, 137-2988 Факс 137-2977
www.setko.uz Товар сертифицирован

Болалар спорти

Қишлоқнинг сертупроқ кўчасини чангитиб тўп тепаётган боланинг ҳолатини кузатганмисиз? Унинг оддий чарм тўп ортидан қувиб ғалабага, гол уришга бўлган иштиёқини олам-олам қувонч, бахтга менгзаш мумкин.

Бугун яқин-яқинда кўчаларда тўп чангитган болалар замонавий спорт иншоотларида, ўйингоҳларда, сув ҳавзаларида ўзларининг қўнгил қўйган спорт турлари билан шуғулланишмоқда.

ОЛИС ҚИШЛОҚ БОЛАСИНИНГ ҚУВОНЧИ

Сўх Фарғона вилоятининг энг чекка тумани. Олой тоғ тизмалари этагида ястаниб ётган водий, алоҳида жуғрофий хусусиятга эга. Қадимий замин, меҳмоннавоз, самимий, ғурури баланд, келажакка ишонч билан қарайдиган одамлар юрти Сўх. Мустақиллик сўҳликларга ўз имкониятларини рўёбга чиқаришларига катта шароит яратиб берди. Тадбиркорлик уларнинг азалий хусусияти бўлиб, кўпчилик шу касб туфайли бой-бадавлат бўлишлари билан бирга юртларини обод қилишга саъй-ҳаракат қилмоқдалар. Туман қиёфасининг қисқа муддатда ижобий томонга ўзгариб бораётганлигини кўп жиҳатдан мана шу омил билан боғлаш мумкин. Узоқ тоғли туман ёшлари 2 та замонавий спорт мажмуасига эга бўлишди.

Сўх билан бир хил шароит ва жуғрофий муҳитга эга бўлган Шоҳимардон қишлоғида ҳам жамғарма томонидан болалар спорт мажмуаси қурилди. Бу жой ҳам маҳаллий болаларнинг энг севимли масканига айланган.

Дарвоқе, Фарғона азалдан доврўғли спортчилар, кураги ер искамаган полвонлар, югуришда этагини тутқазмайдиган чопқирлар юрти ҳисобланади. Фикримизни кейинги йилларда улар «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби спорт мусобақаларида асосан совринли ўринлар қўлга киритилаётгани ҳам исботлайди. Мактаб ўқувчилари, ўсмирлар мунтазам равишда совриндорлар сафидан жой олишлари учун вилоятда барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

Ўтган 2006 йилда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан вилоят шаҳар ва туманларда 3 та замонавий спорт мажмуаси, 8 та умумтаълим мактабларида спорт заллари қурилиб, 1 та спорт мажмуаси қайта реконструкция қилинди. Ушбу мақсадлар учун 1 млрд. 482 миллион сўм маблағ сарфланди.

Шунингдек, ҳомий ташкилот ва корхоналар томонидан спорт заллари, майдончалар ўйингоҳларни таъмирлаш, қайта жиҳозлаш ишларига 176 миллион сўм маблағ ишлатилди. 3 та теннис корти, иккитадан бокс ва кураш заллари, 3 та маҳалла фуқаролар йиғинида барча қулайликларга эга бўлган спорт заллари, 8 та футбол, 29 та волейбол, 7 та баскетбол, 4 та қўл тўпи майдончалари фойдаланишга топширилди.

2007 йилда ҳам жамғарма маблағлари ҳисобидан 19 та умумтаълим мактабларида спорт заллари қуриш, 1 та спорт мажмуасини реконструкция қилиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда бу борадаги ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Жорий йилда 2 млрд. сўмга яқин маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Асосийси, вилоятда спортнинг оммавийлигини таъминлаш йўлидан борилянпти. 54 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида йигирма олти мингдан зиёд ўсмирлар маҳоратларини ошираётган бўлса, бевосита қишлоқлардаги ўрта таълим мактабларида, касб-ҳунар коллежларида, лицейларда спорт ишларига кўнгил қўйганлар сони 800 мингтага етиб қолди. Илгарилари мактаб ўқувчилари учун бир дона футбол тўпи топиш муаммо бўлиб турган бўлса, ўтган йилнинг ўзида жамғарма томонидан 450 миллион сўмлик спорт анжомлари келтирилди. Кам таъминланган оилаларнинг спорт билан шуғулланувчи 1150 нафар қиз болаларига 62 млн. сўмлик спорт кийим-бошлари берилди.

Ҳомий ташкилотлар мактабларга ва ихтисослаштирилган спорт муассасалари, таълим ўчоқларига 680 дона футбол, 394 дона баскетбол, 296 дона қўл тўпи, 460 дона шахмат-шашка доскалари, 118 та волейбол тўри, 135 комплект спорт формаси тортиқ қилишди. Энг муҳими, баъзи спорт анжомлари вилоятнинг ўзида марғилонлик тадбиркорлар томонидан тайёрланаяпти.

Болалар спортига эътибор, айниқса, вилоят маркази — Фарғона шаҳрида ўзига хос манзара ташкил этади.

— Шаҳарда болалар спортининг оммавийлигини таъминлаш учун алоҳида дастур ишлаб чиқилган, — дейди шаҳар ҳокими Одилжон Оллоёров. — Болалар мактабдан бўш вақтларда нима иш, қандай машғулот билан шуғулланишаётганлигини ҳар доим ҳам назорат қилиб бўлмайди. Айрим пайтларда ёшлар турли хил оқимдаги кимсалар таъсирига тушиб қолаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Спорт билан машғул бола ҳаёти мазмунли кечади. Ўқувчиларнинг бемаврид, бекор, санғиб юришларининг олдини олиш мақсадида ҳар бир мактаб, муассаса қошида мактабдан ташқари спорт тўгаракларини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Шаҳардаги барча мактабларда синфдан ташқари пайтда ишлайдиган 18 та тўгарак ташкил қилинди. Ҳар бир тўгаракда ўқувчилар учун 7-8 тадан спорт турлари билан шуғулланишга имконият яратилган. Сўнгги икки йил ичида шаҳардаги мактаб ўқувчиларнинг 21 нафари халқаро, 72 нафари республика, 102 нафари вилоят мусобақаларида қатнашиб, фақат совринли ўринларни олишга мувофиқ бўлишди.

Худди шундай юксалиш, ижобий ишларни вилоятнинг энг олис, чекка қишлоқларида ҳам учратиш мумкин. Сўнгги йилларда Охунбобоев туманидан етишиб чиқаётган хоккейчи қизлар, боксчиларнинг довруғи тез-тез овоза бўлиб қолди. Бундан атиги беш йил аввал боксни спорт тури даражасида билмайдиган қишлоқ болалари ҳозирда энг нуфузли мусобақаларда ҳам совриндор бўлишяпти. Ҳаммасига Лангар маҳалла фуқаролар йиғинида мураббий-тарбиячи Эгамберди Каримов раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган бокс тўгарагига қишлоқнинг абжир, чақкон ўсмирларнинг жалб қилинганлиги бўлди.

Ҳунармандлар маскани — Риштон туманининг марказидаги 27-умумтаълим ўрта мактабига 15 га яқин маҳалланинг боласи қатнайди. Бу маҳаллаларда 16 ёшгача бўлган 18 мингга яқин бола вояга етяпти. Хўш, бу болалар ҳар доим ҳам фақат билим, тарбия олиб фойдали меҳнат билан шуғулланишяпти, деб ким кафолат бера олади. Уларни бугунги кунда салбий таъсирлар доирасига тушиб қолишдан мактабдаги бир йўла беш мингта боланинг спорт билан шуғулланишини таъминлай оладиган иншоотлар сақлаб турибди. Мактабда замонавий спорт зали, бир-бирига ёндош, бир-биридан кўркам футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари мавжуд. Болалар мактабда асосан икки сменада машғулот олиб боришади. Биринчи сменада ўқийдиган болалар тушдан кейин, иккинчи сменада ўқийдиган ўқувчилар эса тушга қадар спорт иншоотларини доимо банд этишмоқда.

Энг олис Марказий Фарғона чўлларида яшаб меҳнат қилаётган ёзёвонлик болалар ҳам спорт сари дадил қадам қўяётганини кўриш мумкин. Ҳозиргача тумандаги мавжуд 169 та спорт иншоотларининг ярми ҳамда 18 та спорт залининг деярли ҳаммаси таъмирдан чиқарилди. Бу муассасаларга ҳомийлар томонидан салкам 2 миллион сўмлик спорт анжомлари сотиб олинди.

Мамлакатимизнинг эртаси, наслимизнинг соғлом, бақувват бўлиши, ёшларимизнинг ҳаёт синовларидан, қийинчиликларидан қўрқмайдиган мард, ботир кишилар бўлиб етишишида спортнинг аҳамияти катта. Шундай экан, кечагина оддий оммавий ўйиндек туюлган мусобақаларни умумхалқ ҳаракатига айлантириш тадоригини кўрсак, спортимизнинг эртанги куни пойдеворини мустаҳкамлаган бўламиз.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

«Шўртан»да латвиялик мураббий

Латвиялик таниқли футбол мутахассиси Владимир Пачко янги мавсум арафасида Ғузорнинг «Шўртан» жамоасига бош мураббий этиб тайинланди.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон чемпионати олий лигаси иштирокчиси бўлган «Шўртан» ўтган мавсумни жуда суст ўтказиб , 16 та жамоа ичида 12-ўрин билан кифояланганди.

Бу йил клуб раҳбарияти ўз жамоасини кучли олтиликка киритишни мақсад қилиб қўйган. «Шўртан» янги мавсумдаги илк расмий ўйинини 3 март куни сафарда «Андижон» жамоасига қарши ўтказади.

Ўз вақтида «Диттоне» (Латвия ва ТФМК (Таллин) жамоаларида фаолият кўрсатган мураббий «Шўртан»ни кучли жамоалар сафига кирита оладими, буни вақт кўрсатади.

Қишки танаффус тугади

Куни кеча Европа чемпионлар лигасида қишки танаффус якунланиб, чорак финал (1/8) йўлланмаси учун баҳслар бошланди.

Куннинг марказий ўйинларидан бири «Реал» (Мадрид) ва Бавария (Мюнхен) жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Учрашув 3:2 ҳисобида мадридликлар фойдасига ҳал бўлди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Лилл» (Франция) — «Манчестер Юнайтед» (Англия) 0:1, ПСВ (Голландия) — «Арсенал» (Англия) 1:0, «Селтик»(Шотландия) — «Милан» (Италия) 0:0.

Самбочиларимиз Москвада

Ўзбекистонлик самбочилар янги йилдаги илк нуфузли мусобақада қатнашиш учун Москвага жўнаб кетишди.

Ушбу спорт тури асосчиси Анатолий Харлампиев хотирасига бағишланган халқаро турнирда Шавкат Жўраев, Қодир Султонов, Шоҳруҳ Шукуров, Акрам Эшов ва Зариф Расулов сингари жаҳон ва Осиё чемпионатлари совриндорлари юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги китоблар

Ўзбекнинг ўзи қизиқ, ўзидан ҳам сўзи қизиқ, деб бежизга айтмайдилар. Кези келганда, ҳатто уруш-жанжал, дўқ-пўписа ўрнида ҳам ана шу қизиқчилигимиз қўл келади, ҳазил-мутойиба, гапга "уста"лигимиз билан вазиятдан чиқиб кетамиз.

Муҳиддин Дарвеш ҳангомалари

Кулгисевар халқимизнинг шундай "уста"ларидан бири Муҳиддин Дарвешовни ким танимайди, дейсиз. Машҳур қизиқчиларимиз — Юсуфжон, Охунжон, Теша қизиқлардан кейин унутилаёзган бу саньатни яна халққа қайтарган, такрорланмас ва ўзига хос қизиқчилик мактабини яратган Муҳиддин Дарвеш ҳақида бугун китоб ёзилди. Ҳангоманома "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятида тайёрланди. Уни ҳажвий ёзувчи Саид Анварнинг 20 йиллик саъй-ҳаракатлари ўлароқ дунёга келди, десак адашмаган бўламиз.

— Бир куни устозим Анвар Обиджон "Муҳиддин қизиқ ҳам ғанимат, унинг ҳангомаларини ёзиб олиш керак", деганди. Бу таклиф менинг Муҳиддин ака хонадонига кириб боришим учун бир туртки бўлди. Тўй борми, томошами, хуллас қизиқчи қайда бўлса, мен ҳам ўша ерда ҳозиру нозир эдим. Унинг оғзидан чиққанини дур-у гавҳардек аваллаб-асраб, қоғозга "териб" қўявердим.

Дарҳақиқат, муаллиф меҳнатларининг зое кетмаганини "Муҳиддин Дарвеш" деб номланган ушбу китобнинг ўзи ҳам айтиб турибди. "Асл инсонлар орасида", "Абдурайим довдир ва Мамарайим эркак саргузаштлари", "Уч кун хўроз бўлганим", "Муштипар эр ҳасратлари" каби бобларда, ҳақиқатан, ичакузди ҳангомалар мужассам. Асарнинг ютуғи яна шундаки, унда нафақат кулги, ўз ўрнида инсон ҳаётида учраб турадиган нуқсонлар-да ҳазил пардасига ўралиб, ўқувчига тақдим этилган. Қоларверса, ҳангомалар қаршингизда Муҳиддин Дарвешовнинг ўзи тургандайин ҳаяжонга солади, сизни. Хуллас, китобни қўлга олиб, бир варақлаб қўйсангиз, ортиқ таъриф ва тавсияларсиз ҳам унга маҳлиё бўлиб қоласиз.

Муборак ОХУНОВА.

MANAGEMENT CONSULTING
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22 000), ISO/IEC 27001, AS 9100 халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.
Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.
Компания мижозлари:
• «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
• «Муборакнефтгаз» УШК
• «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
• «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
• «Rubicon Wireles Communication» ҚК
• «УзДонгВон КО» ҚК
• «UZEXIDE» ҚК
• «АВТООЙНА» ОАЖ
• «ТАТ-Реестр» МЧЖ
• «Vinlad» ИИК ва бошқалар.
Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 154-66-98. Факс (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz
Хизматлар лицензияланган

«САНИПЛАСТ» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси
Томчилаб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.
Пахтазор, токзор, боғ, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб суғориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.
Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказади. Мутахассисларимиз экинларни суғориш ва ўғитлашда маслаҳатлар беради.
Буюртма қилсангиз, хизмат сифатига кафолат берамиз.
Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.
МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ
(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.
Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.
Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru
Маҳсулот сертификатланган

«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
«УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ МЕБЕЛЛАРИ, ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ, КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ ВА СПОРТ АНЖОМЛАРИ»
КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Кўргазма 2007 йил 26 февралдан 10 мартгача
«Ўзэкспомарказ»нинг 1-павильонида ўтказилади.
Кўргазмада мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик мақомга эга бўлган, умумтаълим ва ихтисослаштирилган синфлар учун
МАКТАБ МЕБЕЛИ, ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ, СПОРТ АНЖОМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ВА ОРГТЕХНИКАЛАР (ШУ ЖУМЛАДАН, КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ)НИ
етказиб бериш имкониятига эга бўлган маҳаллий корхона ва ташкилотлар қатнашиши мумкин.
Кўргазмада қатнашиш учун тендер комиссиясининг ишчи органи билан ижара шартномаси тузиш ва ижара ҳақини тўлаш лозим.
Кўргазмага қўйилган маҳсулотлар тендер комиссиясининг тендер таклифларни техник баҳолаш гуруҳи, экспертлар ва мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилади ҳамда техник саралаш босқичидан ўтказилади.
Қўшимча маълумотлар учун тендер комиссияси ишчи органига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: 700077, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонаси. Телефонлар: (8-3712) 68-03-37, 68-75-85. Факс: (8-3712) 68-03-37.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси Қўмита аъзоси С. Т. Турғуновга отаси
ТОШПЎЛАТ отанинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Тошкент давлат шарқшунослик институти Ҳорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори
Шоислом Маҳмудович ШОМУҲАМЕДОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси раҳбарияти, Фахрийлар кенгаши ва шахсий таркиби ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-майор Тоҳир Охунович Муллажоновнинг волидаи муҳтарамаси
РОБА онанинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси Агентлик бўлим бошлиғи Маннап Қўчқоровга падари бузруквори
МАТЛАБХЎЖА отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.10 23456